

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИК: ТАШАББУСЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Кувондиков Набижон

Ташқи ишлар вазирлиги ходими

Тел.: (30)-319-53-99

nabijon31@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон ва ТДТ ўртасидаги ҳамкорлик мамлакатнинг халқаро муносабатлар соҳасидаги нисбатан янги йўналиши ҳисобланади. Шу боисдан, бугунги кунда ТДТда Ўзбекистоннинг фаолияти ва илгари сурган ташаббуслари назарий ва илмий жиҳатдан ўрганилмаган. Мазкур Ташиқлот доирасида истиқболли йўналишларни белгилаш, илмий жиҳатдан ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш келгусида Ўзбекистоннинг Ташиқлотга аъзо давлатлар билан ҳамкорлигини кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга замин ҳозирлайди. Шу сабабли, ушбу мақолада Ташиқлот доирасида Ўзбекистоннинг иштироки ва ташаббуслари таҳлил қилинган ҳамда ривожлантирилиши мумкин бўлган истиқболли йўналишлар бўйича тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: *Туркий давлатлар ташиқлоти, халқаро ташиқлот, кўп томонлама дипломатия, стратегик ҳамкор, туркий тилли давлатлар, савдо айланмаси, транспорт коридорлари, аъзо давлатлар, саммит, минтақавий ташиқлотлар, катализатор.*

ЧЛЕНСТВО В ОРГАНИЗАЦИИ ТЮРКСКИХ ГОСУДАРСТВ: ИНИЦИАТИВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ

Кувондиков Набижон

Сотрудник Министерства иностранных дел

АННОТАЦИЯ

Сотрудничество между Узбекистаном и Организацией тюркских государств - относительно новое направление международных отношений страны. В связи с этим, деятельность и инициативы Узбекистана в ОТГ научно и теоретически не изучены. Выявление, научное исследование и реализация перспективных направлений в рамках Организации откроют путь для дальнейшего расширения и укрепления сотрудничества между Узбекистаном и государствами-членами Организации. Поэтому в данной

статье анализируется участие и инициативы Узбекистана в Организации и даются рекомендации по перспективным направлениям развития.

Ключевые слова: Организация тюркских государств, международная организация, многосторонняя дипломатия, стратегический партнер, тюркоязычные страны, торговый оборот, транспортные коридоры, государства-члены, саммит, региональные организации, катализатор.

MEMBERSHIP IN THE ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INITIATIVES AND PROSPECTS

Kuvondikov Nabijon
Ministry of Foreign Affairs' officer

ABSTRACT

Cooperation between Uzbekistan and the Organization of Turkic States is a relatively new direction of the country's international relations. In this regard, the activities and initiatives of Uzbekistan in the OTS have not been studied theoretically and scientifically. Identification, research and implementation of the promising directions within the Organization will open the way for further expansion and strengthening of cooperation between Uzbekistan and the member states of the Organization. Therefore, this article analyzes the participation and initiatives of Uzbekistan in the Organization and provides recommendations on promising areas of development.

Keywords: *Organization of Turkic States, international organization, multilateral diplomacy, strategic partner, Turkic-speaking countries, trade turnover, transport corridors, member states, summit, regional organizations, catalyst.*

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг натижаси республиканинг ташқи сиёсатида ҳам ўзининг ижобий ифодасини топмоқда. Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан алоқаларнинг илиқлашуви ва янги босқичга олиб чиқилганлиги, хорижий ҳамкорлар билан барча соҳаларда очиклик ҳамда ўзаро манфаатдорлик асосида олиб борилаётган ташқи сиёсат Ўзбекистоннинг нафақат минтақада, қолаверса жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеининг янада мустахкамланиб боришига хизмат қилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантириш билан бир қаторда, халқаро ҳамда

минтақавий ташкилотлар доирасида кўптомонлама дипломатия инструментларидан самарали фойдаланмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан БМТ, ШХТ, МДХ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида илгари сурилаётган ташаббус ва таклифлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда.

Туркий давлатлар ташкилоти (*қисқартирилган номи – ТДТ*) сўнги йилларда Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлардан бири ҳисобланади. ТДТ 2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида бўлиб ўтган Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия давлатлари раҳбарларининг йиғилишида Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Н.Назарбаев ташаббуси билан таъсис этилган. Венгрия 2018 йилдан бошлаб, ушбу Ташкилотда кузатувчи давлат ҳисобланади. Туркманистон туркий тилли давлат ҳисоблансада, ўзининг нейтрал давлат сифатидаги мавқеидан келиб чиқиб, ташкилотга аъзо сифатида кирмаган.

Ушбу ташкилот таъсис этилганидан кейин ўн йил ўтгач, Ўзбекистон унга аъзо бўлиб кирди. 2018 йил сентябрь ойида Қирғизистоннинг Чолпон-Ота шаҳрида ТДТга аъзо давлатларнинг 6-саммити бўлиб ўтди ҳамда ташкилот тарихида биринчи марта ушбу тадбирда Ўзбекистон Президенти Ш.Мизиёев фахрий меҳмон сифатида иштирок этди. Ўзбекистоннинг ТДТга келгусида кириши тўғрисидаги илк фикр айнан мана шу саммит давомида давлат раҳбари томонидан айтилган эди.

Орадан бир йил ўтгач, 2019 йил 14 сентябрда Ўзбекистон ТДТни тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилди ҳамда ташкилотнинг тўлақонли аъзосига айланди [1].

Ўзбекистоннинг ТДТга аъзо бўлиб кириши ташкилотга фаол ташаббускорлик руҳини олиб кирди. Бугунги кунда Ўзбекистон ТДТга аъзо давлатлар билан минтақавий халқаро ташкилотлар ҳисобланувчи ШХТ ва МДХ доирасида ўзаро кўптомонлама ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Бундан ташқари, ТДТга аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорлари ҳисобланади ва бу омил ўз навбатида ТДТни минтақадаги энг фаол ва самарали кўптомонлама тузилма сифатида шакллантиришга имкон яратади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон ўз минтақасидаги барча Марказий Осиё давлатлари, қолаверса, Афғонистон билан чегарадош бўлган ягона давлат эканлигини инобатга олсак, ТДТга аъзо бўлиши билан Ўзбекистон минтақавий кун тартибни

шакллантиришда фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Ўзбекистоннинг ТДТга кириши билан ташкилот янги ва муҳим аъзога эга бўлди ва бу ўз навбатида унинг мавқеини оширади [2].

Ўзбекистон ТДТга аъзо бўлишининг дастлабки кунлариданоқ Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ташкилот доирасида ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш бўйича бир қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Жумладан, 2019 йил 15 октябрда Бокуда бўлиб ўтган ТДТга аъзо давлатлар раҳбарларининг 7-Саммитида Президент Ш.Мирзиёев томонидан технопарklar, инновацион стартап компаниялар ва венчур фондлар ташкил этиш, шунингдек, қўшма инвестицион фонд ва туркий тилли давлатларда савдо уйлари очиш бўйича таклифлар илгари сурилди. Саммит давомида илгари сурилган бешта ташаббус Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб қувватлаш, инновацион технологияларни барча соҳаларга кенг жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида жаранглади.

Давлат раҳбари Саммит давомидаги нутқида ТДТда иштирок этиш ўзбек халқининг туб манфаатларига тўлиқ мос келиши, маданий алоқалар билан бир қаторда савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик ҳам янги даражага чиққанлигини қайд этди. Ўтган уч йил давомида ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми икки марта ошиб, мингдан ортиқ қўшма корхоналар ташкил қилинганлигини таъкидлади [3].

Экспертлар ТДТга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш Ўзбекистон учун сезиларли иқтисодий дивидентларни олиб келиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Бугунги кунда ТДТнинг умумий аҳолиси сони 115 млн. кишидан, ялпи ички маҳсулот ҳажми эса 1,1 трлн. доллардан ортиқ бўлиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни экспорт қилиш учун истиқболли бозор ҳисобланади. 2018 йилда ТДТ давлатлари ўртасидаги товар айланмаси 2015 йил билан таққослаганда 29%га ўсиб 7 млрд. долларга етган. 2016 йилдан буён Ўзбекистоннинг ТДТга аъзо давлатлар билан савдо айланмаси ҳажми 40%га ўсган. Экспертларнинг баҳолашича, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги савдо айланмасини йилига 12 млрд. долларгача ошириш имкониятлари мавжуд [4].

2019 йил 5 октябрда Тошкентда туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгашининг йиғилиши ҳамда Инвестиция форуми бўлиб ўтди. Тадбирларда ТДТга аъзо давлатларнинг ишбилармон доираларининг 300 га яқин вакили

иштирок этди. Мазкур тадбирларни ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2018 йилда Чолпон-Ота шаҳрида бўлган саммитда илгари сурилган эди. Мазкур тадбирда ташкилотга аъзо давлатлар Савдо-саноат палаталари раҳбарлари ва ТДТ Бош котиби Б.Амреев ҳам иштирок этди. Ушбу тадбир давомида билдирилган фикр ва мулоҳазалар ТДТ доирасида савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида алоқаларни келгусида ривожлантириш учун асосий йўналишларни блегилаб берди. ТДТ Бош котиби Б.Амреев ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодиёти кўпроқ нефт ва газ нархига боғлиқ бўлиб қолганлини қайд этиб, рискларни камайтириш мақсадида кўпроқ эътиборни аъзо давлатлар ўртасида ўзаро савдо, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратиш кераклигини таъкидлади.

«Атамекан» қозоғистонлик тадбиркорларнинг Миллий палатаси бошқаруви раиси А.Мырзахметов Қозоғистоннинг транзит салоҳиятидан фойдаланиш орқали ТДТ давлатларининг Россия ва ЕОИИга аъзо бошқа давлатларнинг бозорларига чиқиш имконияти мавжудлиги ҳақида фикр билдирган. Озарбайжон ҳамда Қирғизистон бизнес вакиллари ҳам асосий ўринда логистика, замонавий бизнес инфратузилмани яратиш ҳамда божхона тартиб-қоидаларини соддалаштиришдан манфаатдор эканликларини қайд этишган [5].

Бундан ташқари, транспорт коридорлари ва халқаро юкларни ўтказишда транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича ТДТга аъзо давлатлар катта имконият ва ресурсларга эга. Ташкилотга аъзо давлатларнинг транзит салоҳиятидан унумли фойдаланиш Ўзбекистонга Европа бозорларига чиқиш учун шароит яратади. Бунда «*Боку-Тбилиси-Карс*» (БТК) темир йўли орқали боғланган транспорт коридори муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг ушбу лойиҳага қўшилиши Европа мамлакатларига транзит юкларни етказиш бўйича («*Тошкент - Туркменбаши порти – Ахалкалаки - Карс*» йўналиши бўйича) олиб борилаётган ишларни фаоллаштиришга имкон яратиб, Осиё ва Европани боғловчи «Мармара» туннелига олиб чиқади. Ушбу йўналиш ҳар йили 3 миллионга яқин йўловчи ҳамда 17 миллион тонна юк ташиш имкониятига эга. Шунингдек, келгусида «*Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон*» темир йўли лойиҳасининг қурилиши амалга ошиб, ушбу темир йўли БТК билан боғланса, тарихда Хитойдан Европагача чўзилган қадимги Буюк Ипак йўлининг тикланишига муҳим қадам қўйилган бўлади [6]. Ҳозирги кунда ушбу темир йўлнинг қурилиши лойиҳалигича қолмоқда.

ТДТ давлатлари ўртасида юқорида кўрсатиб ўтилган ҳамкорлик йўналишларидан ташқари, туризмни ривожлантириш учун ҳам бир қатор имкониятлар мавжуд. Туризм соҳасини ташкилот доирасида янада ривожлантириш мақсадида 2018 йил 7-8 август кунлари Астанада бўлиб ўтган ТДТга аъзо давлатларнинг туризм ишлари бўйича вазирлари 4-йиғилишида Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркия давлатлари «*Замонавий Ипак йўли*» номли кўшма турпакет лойиҳасини йўлга қўйишга келишишган эди [7]. Мазкур лойиҳадан асосий мақсад Буюк Ипак йўлида жойлашган туркий тилли давлатларнинг бой тарихий маданий меросини кўрсатишдан иборат. Ушбу лойиҳа сайёҳларга бир вақтнинг ўзида бир нечта давлатга ёки алоҳида-алоҳида саёҳат қилиш имкониятини яратади. Экспертларнинг фикрича, «*Осиё шенгени*» деб таърифланаётган ушбу турпакет лойиҳасининг маркетинг ҳамда реклама стратегиялари мукамал ишлаб чиқилган тақдирда, у дунёда машхур туризм брендига айланиши ва қисқа муддатларда ижобий натижалар келтириши таъкидланган. Ўзбекистон ушбу лойиҳанинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаётган бўлсада, ҳозирча унда иштирок этгани йўқ. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон томонидан ТДТга аъзо давлатлар ўртасида туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Аниқса, бугунги кунда бутун жаҳон соғлиқни сақлаш тизимига жиддий путур етказиб, давлатларнинг иқтисодиётига катта миқдорда зарар етказётган «COVID-19» пандемияси шароитида туризм соҳаси энг кўп зарар кўрадиган соҳалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда пандемия шароитида мамлакатда туризмни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича иккита муҳим ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Булар 2020 йил 28 майда қабул қилинган “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда 2020 йил 19 июнда қабул қилинган “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди. Мазкур икки ҳужжат пандемия шароитида Ўзбекистонда туризм соҳасини қўллаб-қувватлашда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Жорий йилнинг 23 июнь куни видеоконференция шаклида ТДТга аъзо давлатлар туризм ишлари бўйича вазирларининг 5-йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон томонидан Бош вазир ўринбосари - туризмни

ривожлантириш давлат кўмитасининг раиси А.Абдухакимов иштирок этди. Бу тадбир «COVID-19» пандемияси шароитида туризм соҳасида юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида фикр алмашиш учун муҳим роль ўйнади. Пандемия шароитида туризм соҳасида Ўзбекистонда олиб борилаётган муҳим ишлар қайд этилиб, “*Uzbekistan. Safe travel Guaranteed*” (*Ўзбекистон. Кафолатланган хавфсиз туризм*) деб номланувчи санитар эпидемиологик хавфсизлик тизимининг ишга туширилгани тўғрисида таъкидланган. Юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистонда туризм соҳасида хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг объектларини бепул дезинфекция қилиш ва Ўзбекистонга саёҳат қилиш давомида коронавирус билан касалланган хорижлик сайёҳларга уч минг долларлик компенсация тўлаб берилиши кўзда тутилган. ТДТ аъзоларини қизиқтирган энг муҳим чора-тадбирлардан бири мамлакатда ишга туширилган “*Uzbekistan. Safe travel Guaranteed*” тизими бўлди. Мазкур тизимни ишлаб чиқишда ўрта асрларда яшаб ўтган машҳур олим ва табиб Абу Али ибн Синонинг “*Фи тадбир ал-мусофирин*” (“Саёҳатчилар учун чора-тадбирлар”) номли кўлланмасидан фойдаланилгани ҳақида таъкидланиб, бундан минг йиллар олдин ушбу кўлланмада қадимда сайёҳларнинг асослантирилган эпидемиологик ва санитар қоидаларга риоя қилишлари тўғрисида ёзилгани қайд этилган [8]. Мазкур тадбир давомида Ўзбекистон томонидан туркий тилли давлатларда ўтказиладиган маданий тадбирларнинг Ягона календарини ишлаб чиқиш ва аъзо давлатларнинг туристик салоҳиятини кўрсатишга мўлжалланган махсус телеканал яратиш ташаббуслари илгари сурилди.

Туркий тилли давлатларнинг барчаси мусулмон давлатлари эканлигини инобатга олсак, шунингдек, ушбу давлатлар ҳудудларидаги муқаддас диний қадамжойларнинг кўплиги томонлар ўртасида *зиёрат туризмини* ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Туризм соҳасида *зиёрат туризмини* ривожлантириш келгусида ТДТ доирасидаги истиқболли йўналишларидан бирига айланиши учун кенг имкониятлар мавжуд.

2019 йил давомида Ўзбекистонга ташриф буюрган 6,7 млн. сайёҳдан 52% (3,8 млн.) сайёҳлар ТДТ давлатлари ҳисобига тўғри келган [9]. Ушбу рақамлар Ўзбекистонда туризмнинг келгусидаги истиқболлари ТДТга аъзо давлатлар билан ҳамкорликнинг ривожланиш даражасига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Ташкилотга аъзо давлатлар билан бошқа йўналишларда алоқаларнинг кенгайиши туризмнинг ривожланишига замин ҳозирлайди.

Бугунги кунда давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатлар кун тартиби COVID-19 пандемияси натижасида бутун дунёда юзага келган эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб шакллантирилмоқда. Пандемия сабабли, ТДТ доирасида ҳам бир қатор олий, юқори ва мутассадди вазирлик ҳамда ташкилотлар ўртасидаги кўплаб учрашувлар, тадбирлар видеоконференциялар шаклида ўтказилмоқда.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш тизимини ларзага солиб, давлатлар иқтисодиётига катта миқдорда зарар етказётган COVID-19 пандемияси ТДТга аъзо давлатларни ҳам четлаб ўтмади. Бошқача қилиб айтганда, юзага келган эпидемиологик вазият ТДТга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг мустақамлигини яна бир бор синовдан ўтказди. Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида барча даражалардаги фаол ҳамкорлик муносабатларининг мавжудлиги, шунингдек, аъзо давлатларнинг ўзаро чегараларга эга эканлиги пандемия даврида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни қабул қилиш заруратини юзага келтирди.

Шу муносабат билан, халқаро ташкилотлар орасида биричилардан бўлиб ушбу глобал таҳдиднинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича, жорий йилнинг 10 апрель куни Туркий Кенгашга аъзо давлат раҳбарларининг видеоконференция шаклида «COVID-19 пандемиясига қарши курашда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик» мавзусида навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилди. Ушбу олий даражали тадбирда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) Бош директори Т.А.Гебрейесус ҳам иштирок этди ва ТДТ доирасида ушбу тадбирнинг пандемия билан курашишда катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

Саммит давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан қуйидаги муҳим таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди:

- ТДТ доирасида доимий фаолият кўрсатадиган қўшма эпидемиологик кузатув тизимини шакллантириш;

- Ташкилотга аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, диагностика, даволаш, эпидемиологик ўрганиш ва илмий изланишлар бўйича маълумот ва тажриба алмашувини кенг йўлга қўйиш;

- ТДТ котибиятида пандемияга қарши курашиш бўйича махсус мувофиқлаштирувчи гуруҳни тузиш ва ушбу гуруҳ давлатларда фаолият юритаётган миллий штаблар билан яқин амалий алоқалар ўрнатиш;

- Ҳозирги ғоят мураккаб шароитда қардош халқларни зарур озиқ-овқат ва мева-сабзавот, дори-дармон, тиббиёт маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида юк ташиниш ва транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш ҳамда чегара пунктларида транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тартибини соддалаштириш;

- Логистика ва транспорт соҳаларидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш занжирини сақлаб қолиш учун Транспорт вазирларидан иборат Ишчи гуруҳини ташкил этиш;

- Коронавирус талофотларини юмшатиш учун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида халқаро ташкилотлар кўмаги муҳимлигини инobatга олиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ТДТ ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш [10].

Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган юқоридаги таклифлар пандемия даврида ТДТ давлатлари томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган энг муҳим соҳаларни ва йўналишларни қамраб олди.

Ташкилотга аъзо давлатларнинг мутасадди вазирлик ва идораларининг раҳбар ходимлари, экспертлари ва мутахассислари ўртасида бир қатор йиғилишлар ва учрашувлар ўтказилиши натижасида Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббуслар амалиётда ўз ифодасини топа бошлади. Хусусан, ТДТ доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида Мувофиқлаштирувчи кўмита ташкил қилиниб, ташкилотга аъзо давлатларнинг соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида коронавирус инфекциясини ташхислаш ва даволаш, оғир аҳволдаги беморларни парваришлаш, вирусга қарши курашаётган тиббиёт ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда эпидемиологик вазиятни бошқаришда электрон тизимларни жорий қилиш каби бир қатор тиббиётнинг муҳим йўналишларида тажрибалар алмашилмоқда [11].

Пандемия шароитида Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслардан бири бу – ТДТ давлатлари ўртасида транспорт воситаларининг ўзаро ҳаракатланишига амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги эди. Ушбу ташаббусни амалга ошириш мақсадида транспорт вазирларидан иборат таркибда Ишчи гуруҳи ташкил этилди ва жорий йилнинг 30 апрель куни унинг биринчи йиғилиши видеоконференция шаклида ўтказилди. Томонлар бирламчи зарур маҳсулотлар ҳисобланган озиқ-овқат ва мева-сабзавот, дори-дармон, тиббиёт воситалари ва асбоб-ускуналарнинг мамлакатлараро узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш, COVID-19 пандемияси даврида Транскаспий йўлаги орқали юк етказиб бериш занжирининг узилишларсиз фаолият юритишини

ташқил қилиш масалаларини муҳокама қилишди. Ушбу мақсадлар учун Марказий Осиё – Кавказ – Европа мультимодал транспорт йўлагидан биргаликда фойдаланишни фаоллаштириш лозимлиги таъкидланиб, квоталар, транзит божлари, ҳайдовчилик визаларини тақдим этиш орқали томонларнинг ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятлари, Каспий денгизи орқали юк ташиш нархларида чегирмалар бериш, зарур ҳолларда кўшимча (икки томонлама/транзит) рухсатномаларини тақдим этиш ва ўзаро келишув асосида транзит учун тўловларни бекор қилиш жараёни кўриб чиқилган эди [12]. Транспорт соҳасида олиб борилаётган ишларнинг мантиқивий давоми сифатида жорий йилнинг 17 ноябрь куни Ўзбекистон ва Қозоғистон божхона органлари ва транспорт муассасалари ўртасида халқаро юкларни ташишда «eTIR» электрон китобчасидан фойдаланиш бўйича дастлабки пилот лойиҳа Ўзбекистоннинг “Арк булоқ” божхона постидан ишга туширилди. Ушбу электрон лойиҳани ишга туширишдан мақсад халқаро юкларни ташиш тизимини рақамлаштириш, божхона тартиб қоидаларини ва юк ташувчилар дуч келаётган тўсиқларни бартараф этишдан иборат бўлиб, чегарада юкларни божхона расмийлаштирувларларисиз ўтиш имконини беради. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ишга туширилган ушбу лойиҳа келгусида ТДТга аъзо бошқа давлатлар ўртасида ҳам йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда [13].

Шунингдек, 2020 йил 11 сентябрь куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ТДТ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув Меморандумининг имзоланиши билан Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган яна бир муҳим ташаббус амалга ошди [14]. Ушбу ҳужжатнинг имзоланиши соғлиқни сақлаш соҳасида ТДТ ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ТДТ шафелигида фаолият кўрсатувчи Халқаро Туркий Маданият Ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеяси (ТУРКПА) ва Халқаро Туркий Академия (ХТА) каби халқаро ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда.

2019 йилнинг 30 ноябрь куни ТУРКСОЙ доимий кенгашининг 37-мажлисида 2020 йилда Хива шаҳри турк дунёсининг маданий пойтахти деб эълон қилинди. Хива шаҳрига бу мақомни бериш таклифи 2018 йил сентябрь ойида Қирғизистонда ўтказилган ТДТнинг VI саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан билдирилган эди [15]. Мазкур ташаббус доирасида ТУРКСОЙ томонидан халқаро дастур ишлаб

чиқилган бўлиб, Ўзбекистонда бир қатор маданий тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

Қонунчиликни ривожлантириш ва парламентлараро алоқаларни кенгайтириш мақсадида 2019 йил 17-декабрь куни Боку шаҳрида бўлиб ўтган ТуркПАнинг тўққизинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Нарбоева иштирок этди. Тадбир давомида Сенат раҳбарини қабул қилган Озарбайжон Президенти И.Алиев ўзбек томонининг ушбу тадбирда иштирок этишини туркий тилли давлатлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қўйилаётган муҳим қадам сифатида таъкидлади [16].

Юқорида келтирилган далиллар Ўзбекистоннинг ТДТ доирасидаги фаолияти кенг қамровли ва барча ҳамкорлик йўналишларини ўз ичига олганлигини кўрсатади. ТДТ бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлардан фарқли равишда алоҳида соҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан чекланмасдан, ўзининг таъсис ҳужжатларида туркий тилли давлатлар ўртасида барча соҳалардаги ҳамкорликни комплекс тарзда ривожлантиришни ва кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу боисдан, мазкур ташкилот доирасида Ўзбекистоннинг келгусидаги ҳамкорлигининг истиқболларини илмий жиҳатдан ўрганишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш ва шу асосда тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ТДТга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро кўптомонлама ҳамкорлик алоқаларининг асосида иқтисодий ёки сиёсий манфаатлардан кўра кўпроқ умумий тил, маданият, дин, тарих, халқлар ўртасида узок йиллардан буён давом этиб келаётган қардошлик алоқалари ётади. Шу билан бир қаторда, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий манфаатларнинг мавжудлигини ҳам четлаб ўтиш мумкин эмас. Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистон ТДТга аъзо барча давлатлар билан алоқаларни стратегик ҳамкорлар даражасига олиб чиққанлиги ташкилот доирасида келгусидаги алоқаларнинг янада ривожланиши учун барча асослар мавжудлигини кўрсатади. Юқоридагиларга асосланиб, ТДТдан ташкилотга аъзо давлатлар билан мавжуд алоқаларни янада кенгайтиришда ва ривожлантиришда катализатор ролини бажарувчи кўптомонлама платформа сифатида фойдаланиш республика манфаатларига тўлиқ мос келади. Шу ўринда, ТДТ доирасида келгусида ривожланиши мумкин бўлган қуйидаги

истикболли йўналишларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни бериш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Биринчидан, маданий-гуманитар ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик – Ташкилотга аъзо давлатлар ўрасидаги тил ва маданият жиҳатдан яқинлик, халқлар ўртасидаги ўзаро қардошлик алоқалари нафақат маданий соҳадаги алоқаларни, қолаверса бошқа йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам бирламчи ва фундаментал омил ҳисобланади. Шунингдек, пандемия сабабли юзага келган вазият ва унинг оқибатларига қарши курашишда ТДТ доирасида юқорида кўрсатиб ўтилган соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган келишувлар ва ишлаб чиқилган механизмлар бу йўналишда ҳамкорликнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, транспорт соҳасидаги ҳамкорлик - ТДТга аъзо давлатларнинг барчаси транспорт соҳасида ўзига хос транзит потенциалига эга давлатлар ҳисобланади. Ушбу соҳада ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистоннинг халқаро юқлари ташишда транзит ва транспорт корридори сифатида салоҳиятини ошириб, ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш ва янги бозорларни очишда муҳим роль ўйнайди.

Учинчидан, инвестиция ва савдо соҳасида ҳамкорлик – Ташкилотга аъзо давлатларнинг географик жиҳатдан ўзаро яқинлигини инобатга олиб, истикболли лойиҳаларга инвестициялар киритиш, ўзаро савдо алоқаларини ривожлантиришга кўмак берувчи механизмларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишнинг самарали воситаларини яратишга эришилса, ТДТ иқтисодий дипломатия соҳасида ҳам мустақкам платформага айланиши мумкин.

REFERENCES

1. <https://lex.uz/ru/docs/4512282>
2. Абдуллаев Ш. Узбекистан в Тюркском совете: общность интересов, возможности и потенциал сотрудничества //Халқаро муносабатлар. 2019, №2. С.9.
3. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/10/15/summit/>
4. <http://www.isrs.uz/ru/yangiliklar/press-reliz-o-provedenii-v-ismi-kruglogo-stola-posvasennogo-prisoedineniu-respubliki-uzbekistan-k-sovetu-sotrudnicestva-turkoazycnyh-gosudarstv>
5. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/10/05/forum/>

6. <http://www.isrs.uz/ru/yangiliklar/press-reliz-o-provedenii-v-ismi-kruglogo-stola-posvasennogo-prisoedineniu-respubliki-uzbekistan-k-sovetu-sotrudnicestva-turkoazycnyh-gosudarstv>
7. <https://www.spot.uz/ru/2018/08/10/silk-road-visa/>
8. <https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=1237>
9. www.un.int/uzbekistan/fr/news/президент-республики-узбекистан-принял-участие-во-внеочередном-саммите-тюркского-совета
10. <https://t.me/ssvmatbuotkotibi/2524>
11. <https://mintrans.uz/uz/news/turkiy-kengashga-a-zo-davlatlar-transport-vazirlari-videokonferensiya-shaklida-yig-ilish-o-tkazdi;>
12. https://dunyo.info/ru/site/inner?slug=tsifrovizatsiya_vsey_sistemi_dorozhnih_per_evozok_%E2%80%93_v_tsentre_vnimanija_tyurkskogo_soveta-Nk5
13. <http://uzbekistan-geneva.ch/v-zbekiston-respublikasi-prezidenti-tashabbusi-bilan-turkij-tilli.html>
14. <http://uza.uz/uz/posts/khiva-2020-yilda-turk-dunyesi-madaniyati-poytakhti-04-12-2019;>
15. https://azertag.az/ru/xeber/Predsedatel_Senata_Olii_Mazhlisa_Uzbekistana_prib_yla_v_Azerbaidzhan.